

Оила ва жамият

ВА

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

10

СОН

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛAR ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• • Баҳоси эркин нархда •



АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

27 марта футбон бўйича Ўзбекистон
3-чемпионати бошланади.

Шу кунн:

Нукусда

“Орол” — “Нефтчи” (Фарғона).
Бухорода

“Нурафшон” — “Наврӯз” (Андижон).
Тошкентда

“Пахтакор” — “Сурхон” (Термиз).
Тошкент вилоятида

“Политотдел” — “Сўгдиёна” (Жиззах).
Наманганда

“Навбаҳор” — МХСК (Тошкент).
Марғилонда

“Атласчи” — “Янгиер” (Янгиер).
Гулистонда

“Гулистон” — “Трактор” (Тошкент).
Қўқонда

“Темирйўлчи” — “Чирчик” (Чирчик)
командалари бир-бирiga қарши майдонга
тушадилар.

АЗИЗ ВА МУХТАРАМ ИШҚИБОЗЛАР!
“Оила ва жамият” ҳаммангизни 27 марта
катта футбон байрами муносабати
билин табриклайди.

(Футбол — 94 ҳақидаги материалларни
7-саҳифада ўқибизз).



«Оила ва жамият» 10 (133)

“ТЕМУР“МИ ЁКИ “ТЕМИР“?

“Темир” деган соф туркий исмимиз бор. Биласиз, кўп номларимиз болаларимизга муайян ирим билан қўйилади. “Темир” исми ҳам шундай. Олдинги боласи вафот этган ёки туғилган фарзандлари кўп нобуд бўлаётган оила чақалоққа “Темир” деб исм қўяди, Бу от ҳатто “Темирой” тарзида қизларга ҳам қўйилади. Бу номни қўйишдан мақсад – Оллоҳдан болани темирдек мустаҳкам қилишини илтижо этиш.

Мантиқан ўзбекнинг буюк ўглони – жаҳонгир Амир Темир Кўрагоннинг исми ҳам ана шундай ирим билан қўйилган. Лекин нега энди бошқа барча “Темир”ларни “Темир деймиз-у, Амир Темирни Темур деб ёзамиш ва айтамиш?

Амир Темир ҳақида форсий тилда кўп китоблар ёзилган. Форсийлар ўз талафузларига мослаб “Темир” номини “Темур” деб битдилар. Биз ҳам ана шу форсий қитобларга эргашиб, соҳибқиронни “Темур” деб ёза бошладик. Бу, аслида, хато.

Професор Абдуқодир Ҳайитметов бир сұхбатда айтганларидек, бу хатони тузатиб, соҳибқироннинг муборак номини “Амир Темир” деб ёзишмиз ва айтишимиз керак. Буни лоақал, тўла лотин ёзувига ўтилганда амалга ошириш лозим. Шунда “Темир” сўзида “Амир” сўзига оҳангдошлиқ ҳам яққол юзага чиқади.

Султонмурод ОЛИМ



ХЎРОЗҚАНДНИНГ МАЗАСИНИ БИЗДАН СЎРАНГ!

В. ТЎРАЕВ сурати

БИЗНИ СИЙЛАГАНИИ ХУДО СИЙЛАСИН

“Тўғрисини айтсан жуда ҳаяжондаман. Одамларга қандай қилиб шодлигим, миннатдорлигимни изҳор этишга ҳам ҳайронман. Кечак маҳалламиз ақли бизни Рамазон ҳайити ва Наврӯз байрами билан қутлашиб, 61 минг сўм пул инъом этишиди. Кўнглимиз төғдек кутарилди. Айтишга ҳам ноқулай, рости мен шу вақтгача шунча пулни қўлумга ушлаб кўрганим йўқ эди. Кечираисиз, гап пулда ҳам эмас..”

Рамазон ҳайити арафасида таҳририятимизга бир аёл қўнгироқ қилиб, яхши инсонларга миннатдорлигини шу тарзда билдириди. Биз у кишининг ким эканлиги билан қизиқдик... Саодат Жумеъева олий маълумотли педагог. Тошкент шаҳрининг Чилонзор тўманида истиқомат қиласканлар.

Она билан учрашиб, иккى оғиз гурунг қилиб қайтдик.

— Нега айнан сизнинг хонадонингизга марҳамат қилишиди?

— Мана шу сиз кўриб турган бўкорак ўзининг болаларим. Уч нафарини болалар уйдан олиб келганман. Лекин улар ўз боламдек азиз.

— Саодатона, агар саволим бирор нокулай бўлса кечираисиз. Баъзи одамларга

мехр-муҳаббатга зор бўли ўсишини истамайман. Биз иккى опа-сингилмиз ота-онаимиз ёшлигимизда келишолмай бошқабошка уй қилиб кетишган, ҳозир ҳам ҳаётлар, ишклиб умрлари узоқ бўлсин, лекин бирор марта ўйлаганинг йўқ. Сингилжон руҳий касалликка чалинган эди. Болаларини эри (куевимиз) бизга айтмай болалар уйига бериб юбориби. Эшитиб юрак-багрим эзилиб кетди. Адаси билан маслаҳатлашиб, минг машқақат, когозболиклар билан уйга олиб келдик.

— Энди тинчмисиз?

— Буларни кўяпқиз-ку бирбирдан ақлли, ширин. Бир ота-онаинин боласидай иноқ-тотув. Адамиз ҳам хурсанд. Улардан жуда миннатдорман. Топган туттанини шуларга сарфлайди.

— Сингилжоним, сизга қандай тушунтирасам... Етим-есирлар, болалар уйи деган нарсаларга тоби-токатим йўқ. Ўзим тирик етим ўғсаним учун ҳеч кимнинг

бўлса керак?

Етти кун

БАЙРАМНИ ТАЛАБАЛАРГА ЧИҚАРГАН

Наврӯзи айём кунлари Талабалар шаҳарчаси янада гавжум бўлди. Дошқозонда сумалаклар қайнади, ош тортилди, санъаткорлар ёқимли хонишлар қилишиди. Яна талабаларга дорилғунун раҳабарияти томонидан 15-25 минг сўмдан байрамлик улашилди.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

Мелисаҳонага Тошкент шаҳридаги З-“тез ёрдам” пункти ҳудудида иккى “тез ёрдам” машинасидан аккумуляторлар ўғирланганлиги ҳақида хабар берилган эди. Изқуварлар дарров ишга киришишиди. Ишнинг натижаси шу бўлдик, аккумуляторларни айнан шу пунктнинг ҳайдовчиларидан бири шумо қилган экан.

ЯНА БИР

шундай “шахсий” ўғри Тошкент чинни заводида қўлга олинди. Яна ким денг? Заводнинг мана-ман деган устаси ўзи ишлаб турган жойдан 54 та лаган, 240 та чойнак, 340 та коса ва 820 та пиёлани олиб чиқиб кетаётганда қўлга олинди, деб хабар қилди Тошкент шаҳар ИИБ матбуот хизмати.

ҲАҚ ЙЎЛИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Аллоҳ кўнгилга солса ҳеч гап эмас экан: ўрис миллатига мансуб сурхондарёлик иккى фуқаро яқинда Ислом динини қабул қилишиди. Термиздаги Мурҷобо жомеъ масжидининг имом-хатиби Тошболта ҳожи Чориев ийди рамазон кунида ана шу хабар билан мусулмон биродарларимизни хурсанд қилди. Исломга кирган биродарларимизнинг бири қирқ уч, иккинчиси йигирма тўрт ёшда.

ИЙЛЛАРГА ТАТИГУЛИК БАЙРАМ

Аёллар байрамида рафиқасини ёки энг яқин кишишини табриклиш учун совға керакми? Албатта, керак. Аммо ҳамма ҳам совға учун атай Иркутскдан Тошкентга келиши мумкини? Қаранг, шундай жонифидолар ҳам бор экан. Шимолий вокзал майдонидаги тижорат дўконларидан бирининг шифтими бузуб, 1 миллион 500 минг сўмлик атир-упаларни ўмаргаётгандаги йиркулларни “мәҳмон” ушланди. Энди мәҳмоннинг байрам совғаси иккى-уч йилга кечикиб бориши аниқ.

— Очигини айтсан кийин. Лекин мақтаниш эмас-у болаларидан нолимайман, ақли. Мехрибон, меҳнаткаш болалар. Уларнинг кувонганини кўрсан барча чарочларим тарбакетади. Ҳаммаси бичиш-тикиши билдиши. Даладан ер оғланмиз, дадаларига ёрдамлашишиди.

— Кийим-бош масаласи кандай?..

— Башанг кийинтирасакда, юві-ямб бириникини иккинчилиги етказиб туривман. Шукр, жонлари сог, устилари бут, корнилари тўк. Каниди ҳар бир оила биттадан бўлса ҳам ўша болалар уйидаги меҳр талаб болаларни багрига олса, ўшандаги “болалар уйи”га ҳожат колмасиди. Мен болалар у ерда ўсишига мутлақа қаршиман.

Биласизми, инсонга яшаш учун кўп нарса керак эмас, корни тўк, усти бут бўлса бўлди. Агар инсонда хошиш, меҳр-оқибат бўлса, ҳозирги шароитда ҳам ўн болали бемалол бокиб вояга етказа олади.

— Саодат опа, худоё

умрингиз узун бўлсин, болаларингизнинг хузур-халоватини кўринг. Яна бир-савол: Шу кунларда дилингизда не истак бор?

— Аввало Наврӯзи олам хаммага бахт-шодлик олиб келсин. Шу айём арафасида эслаб, биз сингир инсонлар дилига кувонч багишилаган одамларни худо сийласин, суюнтирасин. Яна бир истактилаги: ҳеч бир ота-она мол-дунега хирс қўйиб, зинхор болаларини безътибор қоддирмасин.

Чунки фарзандларга меҳр берсак, меҳр одамис.

Дилбар РАҲИМ қизи

— Омон ака, таксичилик яхши касбми?

— Яхши касб.

— Уловингизга бир кунда қанча одам минади?

— Бу энди йўлнинг узок-яқинлигига боғлик. Тахминан 50-60 одам чиқса керагов.

— Такси пулени тўлашдан бўйин товладиган йўловчилар ҳам учраб турадими?

— Авваллари кам бўларди. Ҳозир кира пулени тўлашмасдан кочадиганлар етарли. Биз ҳам анои эмасмиз. Бир-икки алданга, чорасини топиб кўйганимиз. Йўловчи оддингизга келиб, борадиган манзилини айтади. Сурхондаредаги қайси кишилек, овул бўлмасин, бизге масофаси ёд бўлиб кетган. Йўл ҳаки қанча бўлишини айтамиш. Ва йўла тушмасдан оддин йўловчилардан кира ҳақини олиб кўямыз. Чунки биз йўловчиларни ярим йўлда ташлаб қочиб кетолмаймиз. Негаки, такси давлатники, қолаверса, машинанинг номери, белиси бор. Бизни тутиб жазолашлари осон, лекин "куён" бўлган йўловчини каердан топаси.

— Омон ака, буям бир гапда, тагин қўнглингизга келмасин, машинанингизга чиройли кизлар ҳам кўп минишадими?

— Йўлда юрган одам, хусусан, таксичи ҳар хил воқеаларга гуво бўлади, феъл-атвори бир-бирига мутлако ўҳшамайдиган одамларни учратади. Агар гаплингизнинг тагидати гапга ҳам синчилаб қарайдиган бўлсан, чиройли кизларга тобингиз қалай, демоқчиз-да! Билиб турибман. Элчлилар-да йўл-юзда гўзаликлика тенги йўқ қиз-жувонлар ҳам кўп учрайди. Лекин менга уларни миндириб, "катайса" қилидир юриш ҳеч бир кизик эмас. Харом-ҳаришдан жуда кўркман. Мабодо ўзим нопш ишларни кильсан гўё йўлда бирон кор-хол бўладигандек туюлаверади. Лекин шу ерда яна бир нарсанни ҳам эсадан чиқарманг; ёмон йўлларга юрадиган қиз-жувонлар таксичилар билан эҳтиёткорона муносабатда бўладилар. Чунки хизматтаги чиқсан таксичига машиштобозлик эмас, балки пуд, план керак. У шу кунни, ҳалол ризқ излаб йўлга чиқсан. Шунинг учун ҳам бундай қиз-жувонлар таксичидан бирон гап чиқмаслигини... яхши биладилар. Уларнинг тўрига кўпроқ бойвачча йўғитлар, ишратга ўч бирон-ярим одамлар тушиб туради. Таксичилар "тиш қоккан" одамлар, уларни ҳадегандана авраб, алдаш кийин.

— Ҳозир чўнтақ билан хисоблашадиган пайт. Бирорда бор, бирорда йўқ, дегандай... Шу кунларда машинанингизга кандай тоифа, касб-кордаги одамлар кўпроқ чиқишият?

— Таксилар бир пайтлардагидек гавжум эмас. Йўловчилар сараланиб қоятилти. Бир вактлари ишчи-хизматчилик, дехонлар ҳам бемалол таксичи чиқишаверишади. Энди эса кўпроқ бизнесменлар, бирон томонга шошаёттан йўловчилар, такси минадиган бўлиб колдилар.

— Йўловчи танлайсизми?

— Агар йўл узоқ бўлса, танлайман. Чунки узоқ манзилга кетаётган машинада

Ҳамсуҳбатим Омон ака Иброҳимов худо насиб қылса, бу йил қирқ олтинчи баҳорни қаршилаиди. Суяги тирик одам. Йигитлигига уч-тўрт қишлоғининг номдор полвонларидан бери эди. Тириклик, иш ўз домига тортгандан бери олишмайди. Лекин гоҳи-гоҳида аёзли қиши кечаси, катта майдон, ўртасида ёнаётган катта гулхан, кенг давра, қарсилаб олишмайдиган полвонлар тушларига киради. Ҳаёт эса ўз оқимида давом этади. 28 йилдан бери шофёр. 13 йилдан буён эса такси. Денов автобус-таксомотор паркида ишлайди. Тўрт ўғи, бир қизининг отаси. Яхши кунларнинг биррида невара кўриш, бобо бўлиши умидида юрибди.

“ТАКСИЧИ БОЙИБ КЕТМАЙДИ”

"ичимдагини топ" ёки бадхулк одам ўтира, йўл тортиш бир азоб. Якин манзиллар учун эса йўловчиларнинг фарқи йўқ. Гоҳо шундай йўловчилар учрайди, ундейларни машинамага ҳеч тушмаса экан, дейиз. Гоҳо шундай йўловчилар чиқадики, тезрок манзилга борсан, дейиз...

— Одамни бир қарашдан қандайлигини билса бўладими?

— Базанн яхшила, синчилаб каралса билиш мумкин. Кўп ҳолларда қаерданлики, қандай одам эканлигини биллаш учун сал гапга соламан. Бир-икки оғиз гапидан сунг қайси уругдан, қайси қишлоқдан ва қандай қайфиятдаги одам йўловчилар чиқадики, тезрок манзилга борсан, дейиз.

— Таксичилар учун ҳавфли пайтлар бўладими?

— Кечаси юриш ҳавфлироқ. Нимага дегандан ёмон ниятил одамлар кўпинча тунда овга чиқадилар.

— Бикинингизга қурол тираб, "Фалон жойга олиб бориб кўй!" деган пайтлари ҳам бўлганини баъзи бадкирор йўловчиларнинг?

— Бўлган. Лекин мен табир ишлатиб чап берганим. Лекин баъзан зўрликка эўрлик билан қаршилик қилишинг оқибати жуда ёмон тушига ҳам ҳеч гап эмас. Шундай пайтларда миёнгиз бор куваат билан ишлади. Нима килиш керак, қандай қилиб кутилиш керак? Ҳам жонни, ҳам машинани куткариш лозим! Таксида сиз бир кишиш, ракиблар эса ишчи ёки учта. Айтайлик, улар ўти, каззоб, нашавандир. Қўйи қонга ботган одамлар бўлиши мумкин. Ундейлардан ҳар нарсанни кутиши мумкин. Шундай пайтда факат ақлини ишлатиши керак. Кўплики килиб, терс гапириб бўлмайди. Дипломатия жуда кўл келади. Ана шундай пайтларда кўп йиллик тажриба ёрдамга келади.

— Қайси фаслда кўп ишлайсизлар ёки қайси мавсум таксичилар учун қуляй?

— Агар фаслга қарадиган бўлсан гэваш, куз қуляй. Айниска пахта чеканаси пайт йўловчи кўпайди. Лекин биз учун ҳаттоқи кунлар ҳам катта фарқ қилиди. Масалан, душанба куни ҳамма ишга шошади, йўловчи сероб. Сешанба куни эса одатдаги кунлардан. Чоршанба куни



жуда яхши. Чунки бу кун-узок-яқиндан келгандар Сўрхондаренинг турили ерларидан туг кўтариб турган азизлиниларни зиҳрат қилишга шашадилар. Пайшанба куни ҳам одатдаги кунлардан, жума куни биз учун баракали кун. Кўпчилик тақвадорлар жума намозига деб йўлга отланадилар. Уларни жомъе масжидига олиб бориш, сунгра пешмаш-пеш манзилларига элтиб ташлаш керак. Шу куни улар анча саҳиҳ, қўнгиллар очик бўлади. Шанба куни оддий кунлардан. Яқшанба куни эса минглаб дипломатия жуда кўл келади. Ана шундай пайтларда кўп йиллик тажриба ёрдамга келади.

— Қайси фаслда кўп ишлайсизлар ёки қайси мавсум таксичилар учун қуляй?

— Агар фаслга қарадиган бўлсан гэваш, куз қуляй. Айниска пахта чеканаси пайт йўловчи кўпайди. Лекин биз учун ҳаттоқи кунлар ҳам катта фарқ қилиди. Масалан, душанба куни ҳамма ишга шошади, йўловчи сероб. Сешанба куни эса одатдаги кунлардан. Чоршанба куни

билан ҳам, мулло ва авом билан ҳам, фирибгару, покиза одам билан ҳам мумомалада бўлади. Йўловчи баҳона бормаган жойнинг колмайди. Мен таксичи бўлиб топган хикмат шу бўлдики, халқимизнинг "юрган даре, ўтирган бўйра" деган мақолининг англаб етдим. Шунинг ўзи мен топган асосий бойлик.

— Таксичилар "бели бақувват" одамларми? Яъни, таксичи бойиб кетиши ҳам мумкини шу қасби билан?

— Йўқ, бойиб кетмайди. Лекин очялангч ҳам колмайди. Топгани рўзгорга етиб туради. Агар ўзимдан мисол оладиган бўлсан, кўпам оғиз-шарчарга деб одамлар мәҳмона, бор-ӯчарга деб одамлар чиқадиган кутли кун.

— Омон ака, Сиз таксичиликдан нима топдингиз?

— Обрўми, бойлими, бойлими?

— Қанча обрў топдим, билмайман.

Лекин таксида ишлаган одам анча ақли, кузшер, кузатувчан бўларкан. Кўп ишлаган таксичилар билан гаплашсангиз биласиз, улар гапнинг тагидати гапга кўпроқ аҳамият берадилар. Ўзимча баъзан йўлайн ҳам, агар ўзим туғилган чекка қишлоқда юраверганимда бир кунлик рўзгорими кандай тебратаман деб дундан бехабар ўтиб кетарканман, таксичи эса ҳар куни ўғри-киссавур

айтади. Бошқа йигилганлар ҳам уни кувватлаб, пул йигилади.

Зиёфатдан сунг келинни янгаси алоҳида хонага олиб бориб, унга янги оиласа, турмушга мослашии хусусида, эрхотинлик муносабатлари борасида маслаҳатлар беради. Куевга ҳам согдиц шундак маслаҳатлар беради.

Куёв навкарлари эса куёвнинг конини қайнатиш ва жўшириш мақсадидан уни уриб-тепиб (албатта, енгилтина) келиннинг олдига киритиб юборишида. Келиннинг олдига кирган куёв икки ракат намоз ўқиб, келиннинг юзини очишни сўрайди. Одатда келин кўнмайди ва куёв униг бўйнига олтин занжир тақи кўяди...

Ташкарида эса меҳмонлар хурсандчилари давом этиширади.

Туркменик талаба Эрбий ШИРИНдан турк тўйи урф-одатларини сўраб, оқка кўчириучи З. АЛҚАРОВА

ТУРК ТҮЙИ

чорлайди.

Куевникида эса кўй гўштидан тайёрланган туркча кабоб тортилади. Сўнгра йигилган меҳмонлар мусика садолари остида келиннинг йўл оладилар. Бирок, куёв келинни уйда кутуб олиши шарт. Шу туғайни келиннинг куёвнинг отаси ясатилган, отни етаклаб келади. У ерда келиннинг отаси кизини етаклаб келади. Кайнатаси эса бўлгуси келинни кўтариб отга ўтиргизади ва ўйга қараб йўлда тушади. Йўлда, келин томондагилар келин мингот интинг йўлига иш тортиб ўйни тўсадилар. Шунда куёв томондагилар уларга атаган пулларини бериб, келинни олиб кетишиди.

Келин келишига куёв уйи олдиди

«Оила ва жамият» 10 (133)



шини умидлантирадиган
қандай ўзгаришлар бўлди ёки
бўлмоқда?

— Касалликка ташхис
кўйишида сабиқ мамлакат
жумхуриятлари ичидаги
биринчилардан бўлиб Ўзбекистон
катта ютукларга эриди. Сунги
йилларда фанда ва амалиётда
катта аҳамиятга эга эканлиги тан
олинган ультратовуш усулни
ердамида ташхис кўйишини
биринчилар катари ўзбек олимлари
топишиди ва тажрибада
кўллашибди. Касалланган суюк
соҳасида кўзгатиш усулини
топиб, ташхисотда янги ихтиро

Энг мукаммал, замонавий жарроҳлик асбоблари зарур.
Афсуски, хозир дори-дармонлар,
керакли асбоб-ускуналар кам
олиняти.

Четга чиқиб тажриба
алманиши, катта-катта
анжуманларга катнаши билан
кадар камайган. Шифокорларни
четта ўқиб-ўрганишга юбориш
вакти аллақачон етиб келган.
Тиббет учун минг марта
ўқигандан, бир марта бориб
кўрган дуруст.

— Манфаат бор жойдагина
ривожланиш бўлади, деган
нуқтани назарга мойилроқ
бўлиб қолдик. Масалага шу
томондан ёндошса, даволаш
пуллик бўлгани тузук эмасми?

— Бошقا хасталикларни пул
лил даволаш мумкиндири, бироқ
силихимий касаллик бўлгани
учун хам барча ривожланган
давлатларда сил билан
ориганларни давлат ўз
қарамогига олиб, бепул
даволайди. Биздан хам шундай
бўлиб колиши лозим.

— Ишингиз ўта жиддий
бўлса-да, хар холда,
латифанамо воқеалар хам
бўлиб турса керак?

— Коракалпогистоннинг чекка
бир қишлоғида ахолини
флюорография кўргидан ўтказиб
юрган пайтларим бир қиз
рентгендан ўтиб, уколини олмай
кочиб кетганди. Қувиб бориб,
кўтариб олиб келиб, укол
килдирандим.

Орадан 12 йил ўтиб, фалакнинг
гарадиши билан рафикам ўша
қишлоқка текширишга бориб
кодали ва у билан ишлаган
хамшира бир вактлар Пиримкул
деган йигитнинг шундай иш
килганини кулиб-кулиб айтиб
беради.

Хотиним келгандан кейин ўда
нума бўлганини айтмасам хам
бўлади.

— Ҳаётингизда шундай

бегубор, кулгули воқеалар кўп
бўлишини тилайман. Омон
бўлин!

Суҳбатдон: Рустам ҚОБИЛОВ

... «БИР МАРТА КЎРГАН АФЗАЛ»

ЎЗБЕКИСТОН ФИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМИ,
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ПИРИМКУЛ НАЗИРОВ БИЛАН СУҲБАТ.

Доктор ҳали ёш, эндиғина
киркинчи баҳорин қаршилашти.
Иккича ўтил, бир кизаси бор. Барча
ютукларда ҳамкаси ҳам
рафиқаси
Замира
Абдулхамованинг хизмати катта.
70-йилларда кураш бўйича спорт
усталигига номзод бўлгани билан,
энг сезван спорт ўйини-шахмат.

Деновда тутилиб, Касбидаги ўсиб
улгайган, Санк-Петербургда
докторликни ёқлаб, айни пайтда
Тошкентда ишлаб, изланмоқда.

Суюк сили бўйича Ўрга Осиёда
ягона фан доктори.

— Пиримкул ака, суюк
силиниң яқин келажакда
мумоно сифатида ҳал этили-
шига ишонасизми?

— Бу касаллик эрамиздан
аввали 3-4 минг йилинда ҳам
мавжуд бўлган. Шу даврларда
яшаган Миср фиравнларининг
мўмиеланган жасадларидан суюк

ва бўгин силиниң аломатлари
топилган. Аслида суюк ва ўпка
сили инсонинг ёшига тенг.

50-йилларда суюк сили билан
огриган беморларнинг 70 фоизини
болалар ташкил қиласди, хозир
эса бунинг акси — катта ёшли
беморлар кўп.

Маълумотларга асосланадиган
бўлсақ, 70-80 йилларда АҚШ,
Франция, Англияда бу касаллик
анча кам учрайди. Лекин 85-
йиллардан сўнг суюк силиниң
АҚШ ва Франциядаги сезиларни
даражада кўпаяётгани
кузатилмоқда. Бу ҳолни
мутахассислар СПИД — иму-
нитет танқислиги билан boglab
излоҳашмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда
ҳам, хусусан, Коракалпогистон ва
Хоразмда суюк силиниң
кўпаяётгани сезилмоқда.

— Сизнинг соҳангизда ки-

кашф этдик.
— Мавжуд даволаш
усуллари хусусида нималар
дея оласиз?

— Москва ва Ленинградда
суюк силини даволаш бўйича ик-
кита катта мактаб бор эди.
Москвални мутахассислар кўпроқ
дори-дармонлар билан даволашни
йўлга кўйиш зарур дейиши,
ленинградликлар жарроҳлик йўли
билан даволашни афзал би-
лиштанди. Аслини олганда касаллик
даражасига, келиб чиқиши
сабабларига қараб, энг мақбул
усулини танлаш лозим. Дейлик,
бошланган тадбирларда албатта,
дори-дармонлар зарур. Шу-
нингдек, бу усул жарроҳлика
тайёрланишнинг муҳим босқичи
хисбланиди. Аммо, энг зарури
бариб жарроҳлик бўлиб, кўп
ҳолларда дори-дармонлар иш
бермай колади.

ширкатлар) усуллари кашфiet эмас.

Иккисидой кашфietлар анашундай мулкчи-
ликининг хилма-хил усуллари заминida
яратилади. Хўш, таниш-билишчиликка бу-
нинг нима алоқаси бор дерсиз? Албатта
ката алоқаси бор. Ҳусусий мулк, умуман
мулк эгаси ўз манфаатига зид бормайди.
“Мендан ўтгунча” қабилида иш юритмайди.
Иложи йўқ. Ўз корхонасини давлат
корхоналаридаги таниш-билишларни
билан сунинтьемол қилмайди. Ёки
саводсизларни ишга қабул қилмайди. Сиз
ҳам танишингизга манфаатсиз нарсани ил-
тимос ва тавсия қилмайсиз. Жамиятда
майдаги тикоратдан тортиб катта давлат
микёсидаги иккисидой алоқалар шахсан
таниш-билишчилик асосида кўпроқ самара
беради. Бу ерда муносабатлар кўпроқ шахс
ва давлат мавқендан келиб қиради.

Тикоратда иккисидой рақобат туйфали
синиң қолиш њеч гап эмас. Шу сабабдан
иккисидой фаолиятни кенгайтириш
мақсадида таниш-билишчиликнинг
иплатлиги қолмайди. Чунки раҳбар ўз
фаолиятини мустаҳкамлаш ва юксалтириш

мақсадида ёнига синашта одамларни ёки
ўзи яхши билган, синовидан ўтган одамлар

— танишининг танишларини таклиф этади.
Буни ҳам табиий ҳол сифатида қабул қилиш
керак. Йиллар ўтиб, ишлаб чиқаришда,
касб-хунар соҳасида йўқолиб улгурган

анъанавий урф-одатлар тикланади.
Фарзандлар бирга завод, бирни дўкон, бирни
или тарафдорлари бўлган отаплар ишнинг
давомчилари, сайқаллагувчилари бўлади.

Жамият доимо таҳлил ва тадқиқотга
муҳтоҷ. Агар қонунларда адолат мезонини
ҳимоя қилувчи механизмлар яратилмаса
таниш-билишчиликнинг иплатга айланни
(мафия ва бошқа гурухларини пайдо
бўлиши) эҳтимолдан ҳоли эмас.

— Таниш-билишчилик ошна-
огайнингарчилик, қавму-қариндошчилик,
уругу суриштириш каби муносабатлар
миллатимизга хос бўлган хусусиятлариди.
Биз доимо ака-улага, қариндош-уруга,
ошна-огайниларга қўлимидан келганча
ўрдам беришга ҳаракат қиламиз. Ҳеч
бўлмаганда ҳандайдир масъулит ва
жавобгарликни ҳис қиламиз. Қолаверса,

бизнинг бутун тўй-маърракалар, маросимлар
фақат элчилик билан. “Замон ўз зайлига,
палончи қишлоқни ҳам ҷақирамиз,
отамизниң үруғлари бор” деймиз. Ҳар
холда бегоналиқдан, тошбагирлиқдан,
қаҳру-ғазабдан худонинг ўзи асрасин.

Кулфатларимизнинг бари миллый иф-
тихоримиз, бирдамлйкнинг йўклигидан
бўймадими? Ўзбекинг милят бўлиб
гурурланиш даври келмадимикн?

Шу ўринда “Тошкент нон шаҳри”
кинофильмидан бир лавҳа эслайлар. Тарвуз
ўғирлаб, аскарнинг қўлига тушиб қолган
бала бегоналиги учун таёқдан ўлиб қолиши
мумкин эди. Сюжетда пайдо бўлган она
бегоналиқдан — ўлимдан сақлаб қолади.
Бола мөхрибон она қалбининг нурида паноҳ
топади. Бола учун оналардаги муқадас
қалб таниш. Она учун бегона етимларнинг
фарёди таниш. Бу лавҳалар ҳар бир киши-
ниң юрагини эзади. Ва яна ҳандайдир
изоҳлар берисга киши ўзини ожиз сезади.

Хўш, таниш-билишчилик иплатми?!
Тўлкин АЛИМАРДОНОВ

БОЛАЛАР, МАҲОРАТИНГИЗНИ НАМОЙИШ ЭТИНГ!

«Оила ва жамият» рӯзномаси қошидаги ЭҲМ техник маркази жумхурят бўйича танлов эълон қилади. Танловга «Правец» компонтирида «Бейсик» тилида ёзилган «ЭҲМ графикаси» бўйича ҳамда ўқув, ўйин ва бошқа оригинал дастурлар қабул қилинади.

Ўқитувчilar тузган дастурлар ҳам танловдан ташкари қабул қилинади.

Шошилинг! Дастурлар 20 майгача қабул қилинади.
Манзилимиз: Мустақиллик майдони, 1-бино.
14-хона. Телефон: 39-14-08.

ДОНИШМАНДЛАР ОНАЛАР ҲАҚИДА

Ота дунёдан кўз юмғанида болаларга ота ўрнини босадиган аёлгина чинакам онадир.
И. ГЕТЕ.

Она ҳатто юраги уришадан тўхтаётгандан ҳам фарзандига яхшилиқ қиласкеради.
А. ДЮМА.

Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз.
ЖАН ПОЛ.

Онасиз ҳәтти тоғни ва оқшоми заиф, кун-дудзи эса ғамғин бўлиб қолар эди.
П. БУАСТ.

Оналар фаолияти меҳр-муҳаббат фаолиятидир.
Р. ТАГОР.

Она! Бу мурғак болалар тили ва дилидаги худонинг номи!
У. ТЕККЕРЕЙ.

Ҳәётда энг муҳими — ибтидои тарбия, ана шу илк тарбия сўсиз, оналарга мансуб.
ЖАН-ЖАК РУССО.

Кўрнамак ўғил етдан ғонондир. У жиноятчиидир, чунки онаға иисбатан ўтиборсиз бўлишга ўғилининг ҳаққи йўқдир.
Г. МОПАССАН.

Тўпловчи Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

Табриклийиз!



НОРБУВИХОН!

Сени шу яқин кунларда кириб келаётган таваллуд кунинг билан кутлаймиз. Сенга асалдан-да ширин ҳаёт, бахт умр тилаймиз. Ақаларинг АБДУВАЛИ, БЕКЗОД, НИЛУФАР.

ИСМОИЛ ака!

Сизни тугилган кунингиз билан табриклийиз. Келгисидаги ишларингизга улкан зафарлар тилаб коламиз.

Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳининг бир гурух ТАЛАБАЛАРИ.

Хурматли ДИЛШОДЖОН! Азиз аяжонимиз Маҳмудова ДИЛБАР, укам ДИЛМУРОДЖОН ва турмуш ўртогим РАҲНОХОН! Сизларни тугилган кунларинг билан чин юракдан табриклийиз. Худойим сизларга соглийлик, хотиржамлик, шодлик, узок

гиз билан чин дилдан табриклийиз. Сизни узок умр, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ҳаётнинг доимо вақтихушлик билан ўтсин. Бахтийизга ҳамиша омон бўлинг.

Хурмат билан опаниз МУКАДДАМ, умр ўйлошингиз КОМИЛ, ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.

Мехрибон Гулчехра опажон! Тугилган кунингиз муборак. Қалбинги булоқ сувидек мусафир, ҳаётнинг баҳордек гўзал бўлсин, деб укангиз АЛИШЕР ва фарзандингиз БЕКЗОД.

Хонадонимиз фариштаси волидай муҳтараммиз ИПАК НИШОН қизи! Сизни 75 ёшга тўлишингиз муносабати билан кутлаймиз. Умрингиз узун, келгиси кунларинг худди ўзингиз истагандек хурсандчилик, хотиржамлик билан ўтсин. Фарзанд-

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Халилар дўстлиги санъат саройида 1, 2, 3 апрель кунлари «Муштум» журналиниң 70 йиллигига бағишланган «Наврӯз қаҳқаҳаси» катта давомли кулиг байрами ўтказилади. Унда атоқли ҳәмкви ёзувчилар, «Муштум» жамоаси, барча қизиқчи танловларининг ғолиб ва совриндорлари, машҳур асиячилар ва халиқ қизиқчилари, таникли хонандалар қатнашади.

Чипталар Халилар Дўстлиги санъат саройи кассаларида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Телефонлар: 44-22-14, 44-65-92.



Биз жой талашмаймиз! Т. РАҲМАТХОНОВ сурати

Дераза

ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК

Запорожелик Вернерлар оиласида бошқадаринида деч фарқи йўқ олди мушкай яшайди. Бирор яхшигини юраги «доктор» чиқиб қолди. Бир куни яхшигининг юраги оғриб, тутуб қолсан эди, мушук таша заҳоти унинг кўкисига санчиб чиқиб, юраги атрофиини обёйлари билан зўр бериш масаккада яхшигина қилиб юради. Кейин эса юзини ялади. Биримунча вақт ўтага ўнинг юраги яхшигина ялади. Биримунча вақт ўтага ўнинг юраги яхшигина ялади.

Мушукин хонадон соҳибари кичкина пайти кўладан, ташлаб кетилип жойиди топти олишган экан.

ТАҚИНЧОҚЛАРИМНИ ТИНЧ КЎЙИНГ, ХОНИМ!

Буюк Британиининг собиқ Боси Вазири Margaret Thatcher ҳомон оиласига узарашадардан бирор яхшигини бир вакъдлар расмий йўнгиллиларда тақиб юрган ёхут /бронлинант/ тақибчигини ҳозирги Боси Вазир Жон Мейкоринг хотиги Норма Мейкоринг бўйинда қўриб, ўзини к жой топа олмади. Қолди. Шу заҳоти сим юқиб Боси Вазирдан бу парасга зудин бишак ёхини ўтишини киттиқ талаб қилиди, деб ҳабар қилишиди Британинда чиқадиган газеталар.

Сабаб-хоним М. Тетчер бу бронлинант учун ўрга Шарқ мамлакатлари бошлиқларининг бирига шахсан 100.000 фунт стерлинг тўйлаған, лекин буом тўғридан-тўғри Боси Вазир қароррохигин колекциясиган келиб тушгани. Шу ўтаги бураги кунчага тақинчоқ коллекцияси сақланадиган эди. Факаттаги обўйланиш ётиришада хоним-Тетчер бронлинант тақарди.

1990 йили ўхимиёттада кеттаг, хоним М. Тетчер бойлики шахси мулкка газбланидан маҳрум бўлган эди. Шундай бўлсада, тақинчоқни бетона бўйинда қўриб, ўзини даттиқ камситилан деб билди.

Бу ҳабарни биринчи бўлиб тарқатган изтихони ҳафтаплан журнали «Тестер»нинг ёзишича, хоним Тетчер шу давражада газбланидан, жавоб кутиши сабри чидамад, бош Вазир қароррохига қайтадан сим юқдан. Факаттаги Жон Мейкор бу ингайт тақорланмасиги ва хотинин тергаб кўйинишига инсонигандан кейин тинчиган.

КИМЛИГИМИЗИ БИЛИБ КЎЙ!

Уфага келган американлик бир мөхмон ресторонда ичиб, яхшигина сайди қўлди. Кейин бу сидаги тартиб-одатларни ёғди ва россиянликларни ахомодлар деб ҳақорат-ди. «Онла, сен потуги айтассан» деди ўзига мезбононлар. Лекин у бар唧 айтадиганни қўлмади. Шундай сўнг турорлар ҳақоратланган узаликлар уни кўчага ол чиқишиб, дарҳаға болғаб қўйинди. Мехчишинни ҳақратон соғугиди россиянлик ҳақидаги фикрини тезда ўзарттириб ва мәҳмондуст, ватанпарвар, бағри кенг эканлигини айттиб, уларни бақириб атуб.

ЖАВОБСИЗ САВОЛ

Телезкранда ўйлаб марта ўйилган «Офицерлар» кинофильми кўйилганда таниш. Ўши фильмда бир қизил аскар мегриларни учун революцион шуроукумни номидан қизил иншон билан муфотланади. Ана шу ролни РССФР халқ артисти Георгий Юматов ўйлагни эди.

Яхшини шу артистини суюки ити ўзи. У ишинни ўзи корову билан иккокланади дафи этиб, қорувланинг эргаштириб отиш ҳайгу билан ўйга қайтади. Улар битти муртимади. Кейин юромни олди месбони деб артисти қаттиқ ранжитди. Юматов топончиликни олиб чиқишиб, унни шенонсиликни отеб ташлайди. Артистин юромни отишга нима маҳбур қилиди? Бу саволга ҳозирча жавоб топилигани ўйк.

5 ЁШДА

Тошкент вилояти, Зангига туманида яшайман. Аёлим раҳматлик вафот қилган, миллатим козок, согломатикман. Худо наисб этса, ўзимга муносиб ёлғиз (фарзандли бўлса ҳам майли) аёл билан оила қўриб, бирга яшасам дейман. «Оила-299»

37 ЁШДА

Тошкентликман, ўйланиб ажрашганиман, ичмайман, чекмайман. Касбим-ишчи, очиққўнгил, оғирвазминман, одобли, меҳрибон, сабр-қаноатли, оқила аёлни излайман. Ўзим ҳам шу тавсияларни барасига амал қиласман. «Оила-300».

ОИЛА

25 ЁШДА

Сирдарёликман. Турмушга чиқмаганиман, олий мълумотли педагогман. Озодалик, саронжом-саришалик, пазандалик, тўғри сўзликни ёктираман. Оилада тинч-тотув яшашни яхши кўраман. 24-30 ёшлар

Шомга яқин узодан ўқ овозлари әшигилда бошлади. Асирлар ўз ватандошлариңинг яқинда еканларидан бир қувонишса, душманларининг устуңларидан аламзада бўлган афғонлар ўлдиришмасмискин, дея бир юракларига гулгула тушарди. Аммо афғон жангчиларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ҳатто оқ қалпоқли ўзбек Акбарнинг олдига келиб ўтирга.

— Исиминг нима? — дея сўради у.

— Акбара — дея Акбар бир қўзгалиб олиб.

— Ўзбекистоннинг қаеридансан?

— Андижондан.

Оқ қалпоқликнинг кўзлари галати чакнаб, Акбарга бир пас тикилиб қолди. Чамаси, унинг кўзларида ёш ҳам ылангандайди бўлди.

Аннинг Акбарнинг юраги ҳақиқий, ҳаёлида жон қайғуси бўлганини учун буни сезмади ёки ўтибор бермади.

— Андижондан бўлсанг, Заврақ деган жойни биласанми? — сўради, у энди бутунлай бошқача, балки мулоимроқ овозда.

Акбар пича эслаган бўлиб, билмаслигини айтди.

— Отам раҳматли Завроқни шундоққина Андижон шахрининг юқоригида дерди. — Оқ қалпоқли билинар-билинмас хўрсинди. — Менинг ота-боболарим ҳам ўша томонлардан, шўролардан қочиб... Отам олти йил бурун Андижонни соғина-соғина қазо қилди...

У жим қолди. Нима ҳақида ўйга ботгани бизга корону, Акбар эса бу аби Ватан соғирицидаги кишиларнинг чолини, кўнглини тушунишга ожиз. Унинг ўй-фикри ўзининг омон-қолмаслигини сұхбатдемидан бўлиш эди, холос. Оқ қалпоқли барнинг фикрини уққандай,

И сени кутқараман. Агар вга (ҳа, у айнан шундай эсон-омон етиб борсанг, сўнгни топиб, ўша ернинг қабристонида менинг отам мулла Мухаммад Ҳомилининг ҳақиқига бир бор тиловат қилгинг!.. Шуни бажарсанг бас...

Акбарнинг ичидаги бир нарса портлагандай бўлди, ҳатто қичириб юборишга оз қолди. У ҳалитдан бери иккита ватандошнинг сұхбатидан нимадир умид қилиб, тикилиб турган Славага имо қилиб, "у-чи?" — дея сўради.

— Унинг кўйиб юборишмайди... У коғифар!.. — дея оқ қалпоқли қовоқ уйиб.

Шу пайт кимдир дарвозани тақимлассиб овоз берди. Наридаги ўтирган қора соқол бориб дарвозани очди. Кўчадан қуролланган уч мухоҳид шона-пиши кирил келди. Улар даврага яқинлашаркан, тинмай нималаридир жавашар, ўшқиришиб бир нималарни тушунтиришади. Афтидан улар қанақадир фалокатга йўликишади. Мухоҳидлар ҳамон жавашаркан, бояги Қора соқол даврадан чиқиб, Славанинг олдига келди-да, унинг кўлларини ечиб, силтаб ўрнидан турғазди. Турғазди-ю корнига зарб билан мушт солди. Акбар инграб буқчайиб колганди, тиззаси билан оғизга урди. Шўрлик Акбар гандирлаклаб бориб нарироқка ўтириб қолди. Унинг оғзи бўрни кип-қизил қонга бўядиди. Оқ қалпоқли ҳалими шаштидан тушмаган барзангина нарига суреб, Акбарни ўриндан турғазди.

— Хафа бўлма!.. Жўна энди!.. — дея унинг тўғовозда.

Акбар нима қилишини билмай, ёнлагида ватандошига термудди. Оқ қалпоқли афғончалаб Қора соқолга нимадир деганди, у бир қўл силтади-ю Акбарнинг корнига зарб билан мушт солди. Акбар инграб буқчайиб колганди, тиззаси билан оғизга урди. Шўрлик Акбар гандирлаклаб бориб нарироқка ўтириб қолди. Унинг оғзи бўрни кип-қизил қонга бўядиди. Оқ қалпоқли ҳалими шаштидан тушмаган барзангина нарига суреб, Акбарни ўриндан турғазди.

— Кечир мени, Слава!.. — дея сўради.

Слава борзини кўтариб, бўғик овозда ёлворди:

- Мени ташлаб кетма, Акбар!..
- Кечир мени, Слава!.. Кечир!.. — Акбар ўтириб, дарвозадан чиқди, чапга бурилиб, коронулик қаърига сингиб кетди.

Ха, аллақачон зимиштон бўлиб, ҳаётини қайтиб берилган мусофирина вахимага солгулик вожоат билан оламга тун ҳукмронлик қила бошлаганди. Акбар оғи остидаги гирашира оқариб турган тупроқ йўлни илғарди, холос. Балки уни ҳам кўрса-да, шуури билан ҳис этмас, оқе ларини ташманин ташлаб, югурб борарди. У

йиглар, йиглаганда ҳам иккиси дунёсини унтиб, телбаларча йигларди. Миссизда қориши кетган ота-онаси-ю уйининг, тутқунликда қолган ва қисмати нима туқунликда қолган ва тоғмати нима тутқунликда қолган ва уйлмаган биродарларининг ҳасли, ўлим ваҳми уни шу аҳволга согланиди. У йигларди, машъум кўргуликларни, кўркув кўланкасини, балки ўзини ҳам бутунлай унтишучун фикрати идрор этмаган ҳолда ўқраб ўқраб йигларди. Тупроқли тор кўчадан анча югурб борди-ю, баланд деворга рӯпара келди, ўйл иккиси томонга айраланди. У йиглаб юборди, ичидаги бор адан билан титраб, "эй, Худо!.. деди-ю ўнга қайрилди. Аллақачон

чиқмаяптими ўҳуд жон ташвишига тушган дилдиами, бутунлай унтуғанди. Аммо Оллоҳининг улуг неъмати бўлган кўз ёши мудом тимас, гўё у ҳозир кўзларидан оқаётган шўр ёшилар билан бағридаги қўрқувни ситеб чиқараётганди. Ва ниҳоят хаёл каби узоқ чўзилган йўл ҳам тугаб, қопқорайиб турган қенглика чиқиб қолди. Бу қорайиб турган нарса экинзор эди. Акбар оғи остидаги ариқчани сезмасдан қадам ташлади-ю, ағдарилиб тушди. Яхшики, суви оз экан, лекин бикинига урилган қаттиқ нарса жонини суғуриб лади деди. Уст боши лой ва сувга ботган кўйи бир неча дақиқа инграб ётди, яна бор кучини йигиб, ўрнидан базур турди-да, оқе ларига муздек урилаётган, ҳозир нима эканлигини англаб бўйлас экинларни эззигаб, гандирлаклаганча югуря кетди. Энди рӯпарадаги адирининг шакли қорайганча аниқ қўриниб турар, унинг ортидан келаётган турли қуроллардан отилаётган ўқ овозлари ҳам баралла эшиларидар. Уша қирдад ошиб олса бас, у ёғи гўё кўнглидаги буюк умиднинг кўргони эди...

Адир устидан "шўравийлар" турган қишлоқни бемалол кузатиш мумкин эди. Ҳозир жанг бормас, шуро аскарлари қишлоқ ичидаги тунашга аҳд қилишгану, барча техникаларни бир жойга тўплапши кўргон ҳосил этишган, уйгоқ соқчилари тинмай турли қуроллардан ҳар тарафга ўқ ёдиришади. Шўравийлар ўзи шунаقا — ўқ-дори сероб бўлгани боси душманин кўрмаса ҳам уни қўрқитиш учун тинмай отишпаверади. Отилаёттан ўқларнинг кўни "енувсан" бўлгани учун Акбар ўз шериклари турган "қаророҳ"ни аниқ қўрди. Уша манзилини мўлжаллаб, қирдан қишлоқка тушди. Энди у анча ўзини босиб олган, миёни ҳам тузуккина идрор қила бошлаган эди, зеро энди кўчадан бемалол югурби эмас, деворларни панараб, тўхтаб-тўхтаб атрофни кузатганча бориши лозим. Ҳар ҳолда чор-атрофда душман, биротасига рӯпара келиб қолса...

Мана, шундоққина деворни ошса бўлди, у ёқда ўз шериклари. Атрофи танк, "БТР" ва "БМП" лардан иборат сунгий кўргон яққол кўришиб турибди, ҳатто машинайларининг ортида олов ёқиб ўтирганлар аниқ-тиник, кўришиб, баъзан ўрисча бакир-чақирилар ҳам эшилтимоқда. Акбарнинг юраги орзиқ, девордан сакраштига бори баҳия қолди, шулаҳза миёсига урилган "отиб қўйиша-чи?!" — деган фикр уни шудидан қайтарди. У шу ерада турганча овоз беришга аҳд қилди, орқа томонини бир пас кузатиш тургач, шериклари тарафга қаратса ўрисчалаб бакириди:

— Йигитлар! Ҳов йигитлар!.. Аммо у устидан учайтаётган ўқлар отилаёттан қуролларнинг даҳшатли овози қиқириғини босиб кетишини ўйламаганди. Ҳудди шундай бўлди. Бирор Акбар чақиришадан чарчамади. Ва ниҳоят ўқлар овози тинниб, тўғрисида турган танкнинг улкан цироғи ёқилиб, унинг кўзларига тушди. У ўрнида туриб, девордан ошди, қўлларини кўтаришга яна бақириди:

— Йигитлар! Бу мен — шўро аскариман! Шўро аскари!.. Акбар тўхтамай ҳайқирад, цироғ нурлари остида, қоқилиб-суқилиб олга интиларди. Унинг негадир мадори курий бошлади, кўзлари тиниб, боши айланди. Ана, кимдир бақири!

— Ўзимизники экан! Ўзимизники!.. Акбарнинг тиззалиари букилиб, чўккалаб қолди, гўё оғи омондан бўллаётгандай туюлиди ўзиғи, кейин эса турли бақир-чақир, шовқинлар қулогини тутди, кўзларини бошларига ташлашиб, лаблари-ю, кўз ва бури тортишшиб оғриди. Қанийда ҳозир муздеккина сув бўлса-ю, бошини тиқиб ётса. Афсуски, шу дамда фақат югуршига керак, қачонларидир савил бўлган жон энди ширин бир ҳилқатга айланганди.

—

Акбар бу йўлдан узоқ югурди, ўша "Худо!", "буви!" деган калималар шулаҳзада қуруқшаб қолган тилидан

Наби ЖАЛОЛИДДИН



кутилмаган воқеаларга дуч келишимиз тайин. Бас, шундай экан, 27 марта бошлаб ашаддий футбол ишқибозларининг ташвиши яна биттага кўпайдиган бўлди. Аммо буниси чарчоқ ва ҳаётй зерикиш чигалларини ёзандиган завқли ташвишидир.

ТАНИШИНГ, ОЛИЙ ЛИГА

- “Нефть” Фарона
 - “Пахтакор” Тошкент
 - “Навбахор” Наманган
 - “Сўгдйёна” Жиззах
 - “Нурафшин” Бухоро
 - “Темирўлчи” Кўён
 - “Наврўз” Андикон
 - “МҲСК” Тошкент
 - “Политотдел” Тошкент вл.
 - “Трактор” Тошкент
 - “Орол” Нукус
 - “Янгиер” Янгиер
 - “Чирчик” Чирчик
 - “Гулистон” Гулистон
 - “Атласчи” Марғилон
 - “Сурхон” Термиз
- Эслатма: Гулистоннинг “Гулистон”

- “Насаф”
- “Ийгириувчи-Бўстон”
- “Зарафшин”
- “Боёвут”
- “Мебельчи”
- “Нурафшин”
- “Чирчик”
- “Локомотив”
- “Кимёгар”
- “Олтинкўл”
- “Зарафшин”
- “Нефть”
- “Трактор”
- “Динамо”
- “Ситора”
- “Норин”
- “Навбахор”
- “МҲСК”
- “Сурхон”
- “Металлург”

БИРОДАР АБДУРАИМОВ ХОЗИР ҚАЕРДА?

Футбол ишқибозларига аёни, 1993 йилнинг сўнгидаги Тошкентнинг МҲСК командаси бош мураббийси Биродар Абдураимов ўз вазифасидан озод

- “Пахтакор” ўйингожи. Соат 19.00.
- 15 апрел. Қозогистон – Туркманистон.
- “Пахтакор” ўйингожи. Соат 19.00. Тоҷикистон – Қирғизистон. МҲСК ўйингожи. Соат 16.00.
- 17 апрел. Ўзбекистон – Тоҷикистон.
- “Пахтакор” ўйингожи. Соат 19.00. Қозогистон – Қирғизистон. МҲСК ўйингожи. Соат 16.00.
- 19 апрел. Қирғизистон – Ўзбекистон.
- “Пахтакор” ўйингожи. Соат 19.00. Туркманистон – Тоҷикистон. МҲСК ўйингожи. Соат 16.00.

2. ҶАҲОН ЧЕМПИОНАТИННИГ САРАЛАШ МУСОБАҚАСИ [БШЛAR]

20 май – 1 июн

Тошкент шаҳрида. Қатнашчилар: Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон.

3. ҶАҲОН ЧЕМПИОНАТИННИГ САРАЛАШ МУСОБАҚАСИ [ЎСМИРЛАР]

Алмати шаҳри. Қатнашчилар: Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Туркманистон.

4. ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА КОМАНДАСИННИГ ОСИЁ

ЎЙИНЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ.

Октябр ойида бўлб ӯтади. Хиросима (Япония).

ЎТГАН ЙИЛДА...

Футбол бўйича ўтган 1993 йил мавсумида мамлакатимиздаги кўпигина севими ва маҳоратли тўн тегалар ҳаёттида унтуглимас, кувончи янгиликлар юз берди.

1. Биродар Абдураимовинг 50 ёши кенг нишонланди.

2. Жасур Абдураимов уйланши учун кўнглидаги қизни топди ва ниятига эришиди.

3. Абдакаҳор Маврӯфалиев ўтили бўлиб, фарзандига Акмалжон деб исм кўйди.

4. Шукрат Махмудов келини бўлиб.

5. Мурод Алиев уйланди.

6. Рустам Дўрмонов чемпионат тўпурари деб топили (24 тўн), Фаргоналлик қизга кўнгил кўйиб, суюкли ёрли, бир ўйла ўй-жойли, енгил машниши бўлди.

7. Андрей Пятницкий илгаридан орзу қилиб юрган ниятига эришиб, Россия Федерацияси терма командаасига қабул қилинди.

8. Юрий Саркисян МДҲ чемпионат кубоги бахшида катта муваффақиятга эришиди.

9. Эркин Воҳидов 37 ёшида ҳам майдонда тўп сурди.

10. Степан Атоян “Пахтакор” дарвозасига энг чориёй тўн киритди.

11. Анвар Рашидов сал кам 10 йиллик танафусдан сўнг яна катта футболга қайтиди (“Баҳт”, “Тўрқағон”).

12. Равшан Бозоров (“Навбахор”) 23 сониядаги “Нефть” дарвозасига 3 бор тўн киритишга муваффақ бўлди.

ЙИЛНИНГ ЧЕМПИОНАТДАГИ ЭНГ ҚИЗИҚ УЧРАШУВЛАРИ

- “Нурафшин” – “Нефть”. 20 март. Чоршанба.
- “Пахтакор” – “Сўгдйёна”. 30 март. Чоршанба.
- “Сўгдйёна” – “Навбахор”. 10 апрел. Якшанба.
- “Сурхон” – “Навбахор”. 13 апрел. Чоршанба.
- “Навбахор” – “Нефть”. 27 апрел. Чоршанба.
- “Сурхон” – “Нурафшин”. 8 май. Якшанба.
- “Сўгдйёна” – “Нурафшин”. 11 май. Чоршанба.
- “Нефть” – “Пахтакор”. 11 май. Чоршанба.
- “Пахтакор” – “Навбахор”. 5 июн. Якшанба.
- “Нефть” – “Сўгдйёна”. 22 июн. Чоршанба.
- “Навбахор” – “Нурафшин”. 22 июн. Чоршанба.
- “Нурафшин” – “Пахтакор”. 3 июн. Якшанба.
- “Пахтакор” – “Нурафшин”. 31 август. Чоршанба.
- “Нурафшин” – “Навбахор”. 11 сентябр. Якшанба.
- “Сўгдйёна” – “Нефть”. 14 сентябр. Чоршанба.
- “Навбахор” – “Пахтакор”. 25 сентябр. Якшанба.
- “Нурафшин” – “Сўгдйёна”. 23 октябр. Якшанба.
- “Пахтакор” – “Нефть”. 23 октябр. Якшанба.
- “Нефть” – “Навбахор”. 3 нообр. Пайшанба.
- “Навбахор” – “Сўгдйёна”. 16 нообр. Чоршанба.
- “Нефть” – “Нурафшин”. 24 нообр. Ҷайшанба.
- “Сўгдйёна” – “Пахтакор”. 24 нообр. Пайшанба.
- Ўзбекистон Республикаси кубогининг ярим финал ва финал учрашувлари ҳам футбол ишқибозлари куттанидек бўлиши аниқ. Ушбу учрашувлар 12, 26 июн ҳамда 17 июн куни ўтказилиди.

Саҳифани Нормурод Мусомов тайёрлади.

АССАЛОИ, ФУТБОЛ!

Мана, баҳорининг бир ойи ўтиб-ўтмай бутун мамлакатимизга катта футбол баъриям ҳам етиб келди. 27 марта куни Ўзбекистон Республикаси олий лига командаларини ўртасида 3-чемпионат ўйинлари бошланади. Унда юргизмизнинг турли вилоятларидан жами 16 команда қатнашади.

1994 йилнинг футбол мавсуми Ўзбекистонизмиздаги ўтган йиллардагига қараганда бирмунча қизиқарлироқ бўлиши кутилмоқда. Чунки футболчиларимиз нафқат ички, балки ташқи – ҳалқаро мусобақаларда ҳам расман қатнашиб ҳуқуқига эга бўлиши. Асосий терма командаларимиз Осиё ўйинларида иштирок этса, ўтган йилли чемпионимиз – “Нефть” Осиё футбол конфедерациясининг чемпионлар кубоги, “Пахтакор” эса кубок эгалари кубоги баҳсоларида ўз кучини синаб кўради. Ѐшлар ва ўсимирлар терма командаларимиз жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасида иштирок этади.

Ўтган 1993 йилги футбол мавсуми туғаси билан бир қатор командаларимизнинг ички руйхатida жиддий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Наманганнинг “Навбахор” чиларига бош мураббий қилиб душанбелик Шариф Назаров (“Помир”) сайдланди. МҲСКнинг устози Биродар Абдураимов ушбу команда бошқонлигидан озод қилинди. “Пахтакор”га эса мамлакат терма командаларининг тажрибали мураббийси Рустам Акрамов тақлиф этилди. Жиззахининг “Сўгдйёна” сидан Самат Нарзикулов, Николай Сусекий, Мурод Отажонов ва Сергей Ковшовлар бошқа жойларга кетиб қолди. Термизнинг “Сурхон” футбольчилари руйхати эса кўпигина маҳоратли йигитлар билан тудирилди. Ҳулас, бу ўйилги мавсума

ҚАТНАШЧИЛАР:

- “Темирўлчи”
- “Кушон”
- “Янгиер”
- “Атласчи”
- “Орол”
- “Сўгдйёна”
- “Наврўз”
- “Машъыл”
- “Политотдел”
- “Багдод”
- “Олмалиқ”
- “Баҳт”
- “Сарбоз”
- “Пахтакор”

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА КОМАНДАЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО УЧРАШУВЛАРИ

1. Марказий Осиё давлатларининг

“Тошкент турнири”

- 11 апрел. Ўзбекистон – Турсманистон. Тошкент шаҳри “Пахтакор” ўйингожи. Соат 19.00.
- 12 апрел. Тоҷикистон – Қозогистон. Тошкент шаҳри. МҲСК ўйингожи, соат 16.00.
- 13 апрел. Туркманистон – Қирғизистон. МҲСК ўйингожи. Соат 16.00.
- 16.00. Ўзбекистон – Қозогистон.

ХИНД АЁЛИ ЧИН ОЖИЗАМИ?

Хинд аёлларің қадымдан Ману ниши хам, безаниши хам кийган аёлнің егду сочагеттан өзиниң үзиннің түй күни киядиган оловга қыес қылмаган, ахыр! Хинд кизларыннан түй күни киядиган сарилари эса сирли, нағис кашталарға бой бўлган. Шуниси қизнеки, мусаввирлар хинд афсонайи қаҳрамонларини сари билан тасвирилашга ҳаракат килишганда, сари кашталаридаги сирилини берга олишмаган экан.

Хиндистон аёллары асосан сари қийиб юришади. Сари дастлаб пахта ва жундан тайерланниб, чироили кашталар билан бозатилган. Кейинчалик эса фактап пахта ва ипакдан тайерланган. Бу матодан дхоти, гагра номи кийимлар тикилган. Шунингдек, хинд аёллари дейилади: «Киз ёки хотин, мавсумга қараб ранго-ранг сари онабоши ҳеч бир юмушни фактап ўз роҳатини, оромини кўзлаб кильмаслиги керак». Яъни, аёлларнинг юриш-туриши, кийи-

тибатидан, руҳиятидан келиб чиқсан бўлса, иккитидан, Ману конунлари билан болгли.

Хиндларда тўй күни никоҳ ўқилга, келин ва кўев кийими-нинг этган кисми бир-бирга чатиб болгандан. Келин кўевга уланган холда эргашиб, олов бўйлаб уч марта айланади. Бу нарса наинки жуфтлашиши, балки хотиннинг

эрига нисбатан содик, тобе эканлигини ҳам англатиб туради.

Маълумки, илгари ҳинд аёллари эри оламдан ўтганда ўзини курбон этган. Манбаларда езилишича, бу удум хиндларга Қора денизининг шимолий кисмидә жойлашган Сизиен деган жойдан кириб келган. Шунингдек, Гоз (немис уругига мансуб қабила), Слав (марказий ва шарқий Европада яшовчи ва славян тилида сўзлашувчи элат), Келт (гарбий Европада яшовчи элат), Срешен, Гоул (Францияга яқин давлат) худудларидаги ҳам аёллар мархум бўлган эрига ўз хастини, ўз садоқатини баҳшида этганлар. Бобур Хиндистонни забт этгунга ҳадар ҳиндларда бу удум сакланни қолган.

Алижон САФАРОВ,
Дехли.

ҲИНДИСТОНДА «ХОЛИ» БАЙРАМИ



Ҳиндистон ўзининг гўзат табиати, билан бирга 15 август — Ҳиндистон бетакор санъати, урф-одатлари билан мустақиллик күни ва 25 январ—Ҳиндистон ҳаммамизни қизиқтириб келади. Бу ҳолининг ўзига хос миллӣ байрамларини ҳурунларда қўриб ҳайратланганмиз. Шундай байрамлардан бирни «Холи» — Ранглар байрамидир. Ҳойнаҳој кўз ўнгингизда бир-бирларининг оппо қи-милларига, юзларига турли ранглар селиб, қувонқ қўшиганинг ҳинд фильмарининг қаҳрамонлари гавдаланган бўлса керак?

Ҳиндистонда бир йил давомида энг камида 250 байрам нишонланади. Агар бу юртинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафар қиссангиз, албатта ҳар күни бирон бир байрам шоҳиди бўласиз. Бу юртда 200 дан ортиқ дин ва мазҳабдаги кишилар яшайди: Уларнинг ўз байрамлари, урф-одатлари, худолари бор. Лекин ҳеч бир байрам расман тағриб қилинмайди, балки ҳамма байрагма тенг қаралди, тенг нишонланади. Байрамлар эса турличи. Янги йилнинг мусулмон, хинд, христиан, будда тақвими бўйича кириб келинадан тортиб ҳинд худоларининг таваллуд топган күни, уларнинг бир-бирлари устидан қозонган галаба күнлари ёки экин-тиқин масвумининг бошланишигача бор.

Мамлакатда барча миллӣ байрамлар

чироили накшлар, гуллар чизадилар.

«Холи» ҳинда тақвими бўйича ФАЛГУН ойида /феврал-март/ иккى кун давом этади, Ҳиндистоннинг деярли барча штатларида нишонланади.

Биринчи күни «Холинадхи» деб аталиб, шу кун «Уй кўтариш» /тозалаш/ бўлади. Барча эски нарсалар олиб қицилиб, ҳовлида ёқиб юборилади. Қишиқпурларда эса экин майдонларида катта-катта гулханлар ёқилиб, деҳқонлар барча заараркунданда ҳашоратларни ҳайдаб, ҳосил мўл бўлишини сурдаб худоларга ўтижо қиласидилар.

Эртаси, яъни «Холи» күни қўш чиққандан сўнг аввалинда тайёрлаб қўйилган турли ранглар, маҳсус ранг пуркачиларни олиб кўчча чиқишиди. Кўчадан ураган катта-кичин, ёш-қарси ким бўлишидан қатъин назар, бир-бирларига ранглар селиб, ҳазил-мутойиба билан «Холи муборак!» деб кутлайдилар. Байрамда аввало ҳеч ким бир-бираидан хафа бўлмайди. Инсонлар ўртасиде гарас, гина, ҳағарчиликлар унитилиди. Байрам қўш тикилганда келгунча транспорт қатонви ҳам тўхтайди. Бутун шаҳар турли-туман рангга бўялади. Тушдан сўнг одамлар барча кийимларини алмаштириб, юниниб Шива ва

Кришна худоларига эъсон келтириб, тоат-ибодат учун «Мандир» пагра йўл оладилар. Кечга томон ва яғи байрамона либослар кийишб, бир-бирларига ширинликлар боришида, бир-бирларига ширинликлар тақдим қилиб, байрам билан табриклийдилар. Ривоятларга кўра, Кришна худосининг болалиги кечган Маткура шахрида «Холи» байрами жуда катта тантаналар билан ўтади.

«Холи» байрами ўтто Буюк Бобурйлар суполаси бўлмиш Ақбаршоҳ ва Жаҳонгаршоҳ саройида ҳам кенг нишонланган.

Тасавур қилинг, катта ёшдаги кишилар бир-бирларига ранглар сепишмоқда. Бундай ҳолни биринчи бор кўрган сайдхлар ҳайрон бўлиши табий. Бу қувноқ, кўнгли беғубор, ўзгаларга яхшилии истоға инсонлар учун оддий бир кўринишдир. Ҳазил-мутойибага бой бу кайфият инсонлар юзидаги турли ранглар нишонаси каби бир неча кунга сақланниб қолади. Балки шунинг учун ҳиндлар қувноқ ва дилкаш инсонлардир.

Аҳмаджон ҚОСИМОВ,
Нью Дехли.

Бош мұхаррир:

Абдулошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР,
Дадаҳон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,
Мұҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИД
(бош мұхаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,
Абсолон УСАНОВ, Абдумуталип РИЗОҚУЛОВ,
Муассис: Ҳубекистон Республикаси болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ҳубекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқарыш бирлашмаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуҳароар бўлан ташкилотлар ўтасидан воситачилик ҳам қимлайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилишиш шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95
Азиз АБДУВАЛИ навбатчиллик қилди
Обуна индекси -64654
Рўйхатга олиш №33

Буюртма №ғ-867, 35184 нусхада чоп этилди. Газета IBM компютерида териди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6